

Шаръий илмларнинг рукнлари



00:33 / 11.05.2017 4926

Шаръий илмларнинг икки рукни бор.

Биринчи рукн.

Шаръий илмлар аслий манбаалардан – Қуръони карим, суннати мутоҳҳара, уламолар ижмоси* ва мазкур уч манбага асосланган саҳиҳ қиёсдан** олинади.

* *Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейинги бирор асрда мужтаҳидларнинг шаръий ҳукмга қилган иттифоқи «ижмоъ» дейилади.*

** *Шаръий ҳукми бўйича Китоб, Суннат ва Ижмоъда насс (матн) келмаган ишнинг ҳукмини булардан бирида насс келган ишга таққослаш «қиёс» дейилади.*

Ибн Абдулбарр шундай деган: «Шофеъий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Бир нарса ҳақида илмга асосланмай туриб, ҳалол ёки ҳаром дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Илм эса Қуръонда, суннатда ёки ижмода келган нарсадир. Уларда бўлмаса, ушбу аслларга асосланган қиёсдир».

Имом Шофеъий яна шундай деганлар: «Муҳаммад ибн Ҳасан – у Шайбоний, Абу Ҳанифанинг шогирдидир. Аллоҳ уларни раҳмат қилсин – шундай

деган: «(Шаръий) илм тўрт хилдир:

1. Аллоҳнинг Китобида келган ва ундан қиёс йўли билан олинган нарса.
2. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг суннатларида келган ва ундан қиёс йўли билан олинган нарса.
3. Саҳобаларнинг ижмоси ва ундан қиёс йўли билан олинган нарса. Айрим саҳобаларнинг ушбу ижмога қилган хилофлари ижмоликдан чиқариб ташламайди.
4. Муслмон фақиҳларнинг оммаси истехсон* йўли билан чиқарган нарса ва ундан олинган, унинг қувватига тенг қиёс. Илм мана шу тўрт навдан ташқари эмасдир».

** Далил асосида хафий қиёсни жалий қиёсдан устун қўйиш ёки жузъий ҳукмни куллий асдан ёхуд умумий қоидадан ушбуни тақозо қилган хос далилга асосан истисно қилиш истиҳсондир.*

Иккинчи рукн.

Шаръий илм – ушбу исломий шаръий манбалар билан машғул бўлган кишининг қалбида пайдо бўладиган, Аллоҳдан хушуъ пайдо қиладиган, уни мустаҳкамлайдиган, аъзоларида зоҳир бўладиган, ҳатти-ҳаракатларида кўринадиган нурдир.

Имом Молик роҳимаҳуллоҳ шундай деган: «Илм ва ҳикмат бир нур бўлиб, Аллоҳ бу нур билан хоҳлаганини ҳидоят қилади, (шаръий) масалаларни кўп билиш билан эмас».

Ромаҳурмузий Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Илм кўп ҳадис билиш билан эмас, Аллоҳга хушуъ биландир».

Муҳаммад Аввоманинг
«Маолимул иршодийя ли синоати толибил илм»
китобидан **Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф** таржимаси